

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ****Хўжаобод тумани****2023 йил 07 сентябрь**

Хўжаобод туманлараро иқтисодий суди судьяси Ж.К.Абидов даъвогар “*****” худудий акциядорлик жамиятининг жавобгар “*****” фермер хўжалигига нисбатан 3 567 159 сўм асосий қарз ундириш тўғрисидаги даъво аризаси юзасидан қўзғатилган иқтисодий ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

“*****” худудий акциядорлик жамияти (бундан буён матнда “Даъвогар” деб юритилади) тугатиш комиссияси Хўжаобод туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “*****” фермер хўжалиги (бундан буён матнда “Жавобгар” деб юритилади)га нисбатан махсулот етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш шартномаси юзасидан вужудга келган 3 567 159 сўм асосий қарзни ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда “ИПК” деб юритилади)нинг 203²-моддаси биринчи қисмига кўра, агар даъвонинг баҳоси юридик шахсларга нисбатан — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан, якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан эса — беш бараваридан ошмаса, даъво аризалари бўйича ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилиши лозим.

Даъвонинг баҳоси базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ошмаганлиги сабабли мазкур иш соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилмоқда.

ИПКнинг 203⁴-моддаси иккинчи қисмига кўра жавобгар даъво аризаси юзасидан ёзма фикрини даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддатда судга ўзи асосланаётган ҳужжатлар ва далилларни илова қилган ҳолда тақдим этишга ҳақли. Ёзма фикрга унинг кўчирма нусхаси даъвогарга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

Бироқ, даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳақида ажрим жавобгарга тегишли тарзда етказилган бўлса-да, даъво ариза бўйича ёзма фикр иқтисодий иш соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилгунга қадар судга тақдим этилмаган.

ИПКнинг 203⁴-моддаси тўртинчи қисмига кўра, даъво аризасининг судга юборилиши ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар томонидан даъво аризаси юзасидан ёзма фикр тақдим этилмаганлиги даъво аризасини соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

ИПКнинг 203⁴-моддаси олтинчи қисмига кўра, соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги иш даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан ошмаган муддатда даъво аризаси юзасидан ёзма фикрни, далилларни ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтганидан кейин судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.



Суд соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги ишни суд муҳокамасини ўтказмасдан, тарафларни чақиртирмасдан ва уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан кўриб чиқади.

Суд тарафлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларда баён қилинган тушунтиришларни, эътирозларни ва (ёки) важларни текширади, далиллар билан танишади, ашёвий далилларни кўздан кечиради ва ҳал қилув қарорини қабул қилади.

Суд, юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан танишиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, қўйидаги асосларга кўра даъвогарнинг даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни, суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, даъвогарнинг Жалақудуқ туман филиали ва жавобгар ўртасида 2021 йил 18 январь куни “Қишлоқ хўжалиги корхоналарига минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ва биологик химоя қилиш воситалари ва бошқа кимёвий маҳсулотларни етказиб бериш ҳамда агрокимёвий хизматлар кўрсатиш тўғрисида” 171-сонли шартнома (бундан буён матнда “Шартнома”) тузилган.

Мазкур шартнома 1.1, 1.2 ва 3.1-бандларига асосан даъвогар (Етказиб берувчи) жавобгар (Хўжалик)га умумий қиймати 100 900 000 сўмлик минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ва биологик химоя қилиш воситалари ва бошқа кимёвий маҳсулотларини етказиб бериши, жавобгар эса етказиб берилган маҳсулот ҳамда кўрсатилган хизматлар ҳаққини тўлаш ва қабул қилиш мажбуриятни олган.

Шартномага асосан даъвогар жавобгарга электрон ҳисобварақ-фактураларга асосан жами 146 120 347 сўмлик минерал ўғит ва кимёвий воситаларини етказиб берган ҳамда хизматлар кўрсатган.

Шартнома 3.2-бандига кўра минерал ўғит, кимёвий ва биологик воситалар олдиндан 100 фоиз миқдорида тўлов қилинган ҳолда пул ўтказиш йўли билан амалга оширилиши, маҳсулотлар далолатнома бўйича қабул қилинган кейин 3 кун давомида қолган якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилиши белгиланган.

Бироқ, жавобгар томонидан шартнома шартлари лозим даражада бажарилмасдан, етказиб берилган маҳсулотлар учун қисман тўловларни амалга оширгани ҳолда, 2023 йил 1 январь куни ҳолатига даъвогар олдида 3 567 159 сўм қарздорлиги юзага келган.

“*****” худудий акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июль кунги “Республикада ўсимликлар карантини ва химояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6262-сонли Фармонига асосан ихтиёрий тугатилиши назарда тутилган.

Даъвогар тугатиш комиссияси томонидан тугатиш жараёнида жавобгарнинг қарздорлиги аниқланиб, ушбу қарздорликни ихтиёрий тўлаш ҳақида жавобгарга 2023 йил 26 июль куни юборилган талабнома жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Натижада даъвогар тугатиш комиссияси жавобгардан 3 567 159 сўм асосий қарзни ундириш тўғрисида иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (бундан буён матнда “ФК” деб юритилади) 234-моддасига кўра мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда Фуқаролик кодексида кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

ФКнинг 236-моддасига мувофиқ мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.



ФКнинг 437-моддасига кўра махсулот етказиб бериш шартномасига мувофик тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган махсулот етказиб берувчи — сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Суд даъво талабини асосли деб ҳисоблайди. Чунки, жавобгарнинг қарздорлиги тарафлар ўртасида электрон тасдиқланган ҳисобварақ-фактуралар, ҳисоб-китоб маълумотномалари, даъвогар томонидан тасдиқланган солиштирма далолатнома ва ишдаги бошқа ҳужжатлар билан тўлиқ ўз тасдиғини топади.

Юқоридагиларга кўра, суд даъво талабини тўлиқ қаноатлантириб, жавобгардан даъвогар фойдасига 3 567 159 сўм асосий қарзни ундиришни лозим топади.

ИПКнинг 118-моддасига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдориغا мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни билан тасдиқланган давлат божи ставкаларининг 2-банди а-кичик бандига мувофик, иқтисодий судларга бериладиган мулкый хусусиятга эга даъво аризаларидан даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида, бироқ БХМнинг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда давлат божи ундирилиши белгиланган.

Даъвогар судга даъво ариза киритишда белгиланган тартибда ва миқдорда 330 000 сўм давлат божи ҳамда 33 000 сўм почта харажати тўлаган.

Қайд этилганларга кўра, суд даъвогарнинг даъво талабларини тўлиқ қаноатлантиришни, суд харажатларини эса жавобгардан даъвогар фойдасига ундиришни лозим топади.

Бинобарин, ИПКнинг 118, 176-180, 203¹ -203⁵ -моддаларини кўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилсин.

“*****” фермер хўжалиги ҳисобидан “*****” худудий акциядорлик жамияти фойдасига 3 567 159 сўм асосий қарз, 330 000 сўм давлат божи ва 33 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори, агар апелляция шикоят (протести) берилмаган бўлса, қабул қилинганидан кейин ўн кун ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан ўн кунлик муддат ичида Хўжаобод туманлараро иқтисодий суди орқали Андижон вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Раислик қилувчи, судья

Ж.К.Абидов

